

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Т.78.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

РОСИЛОВ МАНСУР СИРГИЕВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА РУХ ХЛОРИД
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

02.00.13-Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Росилов Мансур Сиргиевич Маҳаллий хомашёлар асосида рух хлорид олиш технологиясини яратиш.....	3
Росилов Мансур Сиргиевич Разработка технологии получения хлористого цинка на основе местного сырья.....	21
Rosilov Mansur Development of technology for producing zinc chloride based on local raw materials.....	40
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	43

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Т.78.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

РОСИЛОВ МАНСУР СИРГИЕВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА РУХ ХЛОРИД
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

02.00.13-Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/T865 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tersu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Самадий Муроджон Абдусалимзода
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Расмий оппонентлар:

Шукуров Жамшид Султонович
техника фанлари доктори, етакчи илмий ходим

Шамаев Баходир Эргашевич
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.78.01 рақамли Илмий кенгашнинг «15» 07 2020 йил соат 900 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail:termizdu@umail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№11 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail:termizdu@umail.uz

Диссертация автореферати 2020 йил «4» 07 кун тарқатилди.
(2020 йил «4» 07 даги 1 рақамли реестр баённомаси).



И.А.Умбаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Ш.А.Касимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, к.ф.ф.д.

Ф.Б.Эшқурбонов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, к.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда жаҳонда чиқиндисиз технологияларни жорий этиб, таркибида рух бўлган хомашёлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда юқори навли рух ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Дунёда рух ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми йилига 8 млн тоннани ташкил этади. Бу борада рух бирикмалари, жумладан рух хлориди алоҳида ўрин тутди. Рух хлориди антисептик сифатида мато, картонларни шимдиришда, шпал, тиш цементи компоненти, галваник батарейкаларда, пайвандлаш ишларининг сифатини оширишда кенг қўлланилиши билан муҳим амалий аҳамиятга эга.

Жаҳон амалиётида рухнинг 15% га яқин қисми пирометаллургия усули ёрдамида олинади. Ушбу технология одатда таркибида темир, мишяк, сурьма, кремний ва камёб металллар (кадмий, индий, таллий ва бошқалар) бўлган камбағал рух концентратларини қайта ишлашда, шунингдек, рухнинг қуйи навини ишлаб чиқаришда қўлланилади. Бу борада таркибида рух бўлган руда ва концентратларни қайта ишлаш, уларни аралашмалардан тозалаш ҳамда рух хлориди ажратиб олишнинг самарали усуллари ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларига эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун таркибида рух бўлган хомашёлардан рух хлорид олиш технологиясини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда кимё саноатида янги турдаги материаллар ишлаб чиқариш йўналишида маълум натижаларга эришилди, жумладан маҳаллий бозорни импорт ўрнини босувчи кимёвий реагентлар билан таъминлаш соҳасида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, Республикаимизда, инновацион технологияларни тадбиқ этиш орқали саноат объектларини юритишнинг илмий асосланган тизими ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг чора-тадбирларини амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «Маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзгартиришга» қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада республикаимизда таркибида рух бўлган хомашё манбаларини қайта ишлашнинг самарали, тезкор ва иқтисодий жиҳатдан арзон технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сонли «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устивор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник адабиётларда катта ҳажмдаги илмий материаллар ва рух сақловчи манбаларни рух, рух сульфати ва бошқа бирикмаларга қайта ишлаш усуллари баён қилинган. Рух бирикмаларини қайта ишлаш борасида Н.В.Марченко, Е.П.Вершинина, Э. М. Гильдебрандт, М.Е. Позин, Yan Li, Anhuai Lu, Song Jin, Е.В. Маргулис, И.В.Родин, В.М.Гудкевич, М.А.Самадий ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борган.

Улар томонидан кимё саноатида, тиббиётда, биотехнологияда, микробиологияда, озиқ-овқат саноатида, қадоқлашда ва саноатнинг бошқа бир қатор соҳаларида қўлланиладиган рух бирикмалари, турли катализаторлар ва ингибиторлар синтез қилинган.

Шу билан бирга, ажратиш жараёни хавфсиз, юқори самарали, арзон рух бирикмалари синтез қилиш мақсадида ва уларни турли соҳаларда қўллаш борасида, рух бирикмаларини тиббиёт ва нанотехнологияларда қўллаш жараёнида инсон соғлиги ва атроф-муҳитга тасир этиш хоссасини кенгрок ўрганиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот иши режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти ва Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф7-34 «Комплекс ҳосил қилувчи полифункционал ионитлар синтези ва улар ёрдамида баъзи d-металларни ажратишнинг назарий асослари» (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хонжиза конининг таркибида рух бўлган рудаларидан рух хлорид олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Хонжиза кони рух сақловчи хомашёсининг кимёвий ва минералогик таркибини аниқлаш;

рух концентратини хлорид кислотали парчалаш жараёнини тадқиқ этиш;

рух концентратини хлорид кислотали парчалаб олинган қуйқанинги физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш;

олинган эритмаларни темир ва бошқа қўшимчалардан тозалаш жараёнини тадқиқ этиш;

тозаланган эритмаларни қайта ишлаш жараёни ва рух хлориди олишнинг мақбул технологик кўрсаткичларини аниқлаш;

норматив техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш, рух хлориди олишнинг ишлаб чиқилган технологияси моддий балансини тузиш ва техник-иқтисодий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти Хонжиза кони рух сақловчи рудалари, хлорид кислотали эритмалар, техник ва кимёвий тозаликдаги рух хлориди ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети таркибида рух бўлган концентратларни хлорид кислотали парчалаш жараёни, рух хлориди олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот усуллари сифатида кимёвий, рентгенофлуоресцент, рентгенографик, атом-абсорбцион, ИҚ спектроскопия, сканерли электрон микроскопия ва хромато-масс-спектрометрик, шунингдек, олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Хонжиза кони рух сақловчи концентратини юқори босимли автоклавдан фойдаланиб хлорид кислотаси ёрдамида парчалаб рух хлориди олиш технологияси ишлаб чиқилган;

рух концентратини хлорид кислотаси билан парчалаш ва олинган рух хлориди эритмаларини тозалаш жараёнларининг мақбул технологик кўрсаткичлари аниқланган;

илк бор 300-500°C ҳароратда дастлабки куйдириш йўли билан концентратни эритиш жараёнида қўрғошин, кремний бирикмалари ва бошқа моддалар ҳосил бўлишининг камайиши исботланган;

рух концентратини хлорид кислотали парчалаб олинган куйқанинг физик-кимёвий хусусиятларини аниқланган;

ишлаб чиқилган технология асосида Хонжиза конининг таркибида рух бўлган концентратидан кимёвий тоза рух хлорид олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Хонжиза кони рух сақловчи концентратини хлорид кислотали парчалаш йўли билан рух хлорид олиш технологияси ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган рух хлорид олиш технологиясида концентратни юқори ҳароратда дастлабки куйдириш орқали эритиш жараёнининг эритмани аралашмалардан тозалаш даражасига таъсири асосланган;

ишлаб чиқилган технология “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ да синовдан ўтказилган ва рух хлориди асосида сувсизлантирувчи элемент ҳамда катализатор олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг хулосалари ва тавсияларнинг асосланганлиги, олинган моддаларни идентификациялашда замонавий, юқори информацион физик-кимёвий усуллари (рентгенофлуоресцент, рентгенографик, атом-абсорбцион, ИҚ спектроскопия, сканерли электрон микроскопия ва хромато-масс-спектрометрик) ва кимёвий тадқиқотлардан фойдаланилганлиги ва ишлаб чиқилган рух хлорид олиш технологияси, унинг қўлланиши тажриба-саноат синовларида апробация қилинган ҳамда ишлаб чиқаришга қўлланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Хонжиза конининг таркибида рух бўлган концентратидан юқори ҳароратда дастлабки куйдириш орқали хлорид кислотали парчалаш йўли билан рух хлорид олиш технологияси таклиф қилингани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган саноат синовлари натижасида Хонжиза конининг таркибида рух бўлган концентратини қайта ишлашнинг ишлаб чиқилган самарали технологиясини қўллаб техник ва кимёвий тоза рух хлориди олиш мумкинлигини кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хонжиза кони рух сақловчи концентратини қайта ишлаб рух хлориди олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

таркибида рух бўлган концентратдан рух хлорид олиш усули «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ нинг «2020-2024 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати» га киритилган («Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ нинг 2020 йил 06 февралдаги 63-87-сонли маълумотномаси). Натижада рух концентратини қайта ишлаб, миқдори 97,7% дан кам бўлмаган рух хлориди олиш имконини берган;

Хонжиза конининг таркибида рух бўлган концентратини хлорид кислотали парчалаш йўли билан рух хлорид олиш технологияси «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ нинг «2020-2024 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати» га киритилган («Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ нинг 2020 йил 06 февралдаги 63-87-сонли маълумотномаси). Натижада кўшимчалардан тозаланган гигроскопик рух хлориди олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, шу жумладан, 2 та республика ва 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 107 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот

натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Рух сақловчи хом-ашё ва уларнинг чиқиндиларини қайта ишлаш соҳасининг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобда мавжуд адабиётлар шарҳи, рух ресурслари характеристикаси келтирилган, хом-ашё манбаларининг ҳозирги ҳолати ва келажаги ҳақида маълумотлар келтирилган. Рух бирикмалари олишнинг имкониятлари асосланган илмий-техник ва патент адабиётлари, физик-кимёвий системалар тадқиқи амалга оширилган. Рух хлориди олишга бағишланган илмий тўпламлар, патент материаллари таҳлил қилинган.

Чоп қилинган ишларни таҳлил қилиш натижаларига асосланиб тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **“Дастлабки, ўрта ва охириги махсулотлар характеристикаси”** деб номланган иккинчи бобида рух рудаси, рух концентрати ва кимёвий махсулотларни тадқиқ қилишда қўлланилган тадқиқот усуллари ва кимёвий таҳлиллар келтирилган.

Диссертациянинг **“Рух сақловчи хом-ашёдан рух хлориди олиш жараёни тадқиқоти”** деб номланган учинчи бобида Хонжиза кони рух сақловчи концентратини хлорид кислота билан парчалашнинг оптимал технологик параметрларини аниқлашга бағишланган. Илмий тадқиқотлар таркибида 4,95-5,15% Zn тутган Хонжиза кони рух сақловчи рудаси ва 39,45-40,50 % Zn тутган концентрат билан олиб борилди.

Олиб борилган кимёвий таҳлиллар Хонжиза кони рудаси мураккаб таркибга эга эканлигини кўрсатди. Кўплаб моддалар сульфидларда изоморф аралашмаси кўринишида шаклланган. Барча кўринишдаги колчедан рудаларида асосан пирит (60 дан 90 % ўзгарувчан таркибларда), сфалерит, галенит ва халкопирит 5-7% нисбатларда мавжуд. Норуда минераллар серицит 55 % гача, кварц 30 % гача, хлоридлар 8 %гача ва карбонатлардан иборат. Бу типдаги рудаларда Pb нинг миқдори камдан кам ҳолларда 1-3% дан ортиқ бўлади, шунингдек, Zn – 3–5 %, Cu – 0,25 %.

Спектрал таҳлил натижаларига кўра рудада асосий моддалар кремний, рух, алюминий темир, мислардан иборат. Натрий, калий ва магнийларнинг миқдори 1% дан 3% атрофида мавжуд бўлади. Қолган моддалар ўндан ва юздан бир улушни ташкил этади.

Рух рудасининг рентгенофлуоресцент таҳлил натижалари кремний, рух, темир, мисга нисбатан спектрал таҳлил натижаларини тасдиқлади. Калий, кальций миқдори эса бирмунча юқори ва калий 3 %дан юқорини ва кальций 1 % атрофидалигини кўрсатди.

Рух рудаси рентгенограммасида рух ва темир сульфид ва сульфатлари, кремний оксиди, кўрғошин карбонати ва цианиди, ҳамда цинкастатлар дифференциал максимумлари мавжуд.

1-жадвалда Хонжиза кони рух сақловчи концентрати спектрал таҳлили маълумотлари келтирилган. Олинган натижалар силикатлар, алюминий, темир камлигини ва рух, мисни концентратда юқорилигини кўрсатмоқда. Миснинг миқдори кам ўзгарганлиги, рухнинг кўрсаткичи эса 25-40% лиги кўринмоқда.

Рентгенофлуоресцент таҳлил натижалари силикатларнинг камайишини кўрсатиб, спектрал таҳлил натижаларини тасдиқлайди, шунингдек спектрал таҳлилдан фарқли ўлароқ мис бирикмаларининг пасайишини кўрсатади.

Рух сақловчи концентрат рентгенограммасида рух ва темир сульфати, рух кремний фториди ва кремний оксидига тегишли дифференциал максимумлар мавжуд.

1-жадвал

Хонжиза кони рух сақловчи концентрати таркибини спектрал элементар таҳлил натижалари

№ нам.	Si, %	Zn, %	Al, %	Ca, %	Na, %	K, %	Fe, %	Mg, %	Mn, %	V, %	Ti, %	Cu, %	Pb, %	Bi, %	Sb, %	Zr, %
1	15	25	0,1	0,01	0,3	1	1	0,2	0,04	0,002	0,004	3	0,5	0,005	0,006	-
2	15	30	1,0	0,02	0,2	3	3	0,3	0,04	0,004	0,01	3	1,0	0,006	0,03	0,002
3	15	30	0,1	0,02	0,3	2	2	0,2	0,04	0,003	0,003	4	1,0	0,006	0,04	-
4	15	40	0,2	0,02	0,3	3	3	0,2	0,04	0,004	0,004	6	3,0	0,006	0,04	-

ИК-спектрларда цианид гуруҳларга тегишли $2092,209 \text{ см}^{-1}$ ютилиш қаторлари мавжуд. $1648,590 \text{ см}^{-1}$ ютилиш қаторлари тиосульфатларга таълуқли, $1390,289$; $1340,544$; $1195,810 \text{ см}^{-1}$ ютилиш қаторлари – азот ва нитрит гуруҳларига тегишли. $1030,926 \text{ см}^{-1}$ ютилиш қаторлари силикат гуруҳларига, $878,510$; $803,727$; $675,485 \text{ см}^{-1}$ ютилиш қаторлари эса сульфат ва карбонат гуруҳларига тегишли. Минерал объектда кристалл тузилишларда молекулалараро ўзаро таъсирлашув натижасида қаторлар кенгайган структурага эга.

Рух сақловчи концентрат микрофотографиясида кўпроқ қора нукталар мавжуд: булар рух сульфидини, қисман темир сульфидини англатади. Бу Хонжиза кони рух сақловчи концентратини таркибини тасдиқловчи яна бир омил бўлиб хизмат қилади.

Хонжиза кони рух сақловчи концентратидан рух хлориди олиш жараёнини илмий томондан асослаш учун кинетик характердаги маълумотлар керак. Бунинг учун автоклавда $\text{Zn}:\text{HCl}=1:1,1$ нисбатда 28 %ли рух хлориди эритмаси билан рухни ажратиш олиш учун ҳарорат ва жараённинг давомийлиги ўрганилди. Ўзгарувчан параметр сифатида ҳарорат 70 , 80 ва $90 \text{ }^\circ\text{C}$ ва ажратиш олиш жараёни давомийлиги 6 , 8 ва 10 соатни ташкил этди (2-жадвал).

2-жадвалдан кўриниб турибдики, хлорид кислотали эритмага рухни ажратиш олиш жараёнига ҳароратнинг кўтарилиши ажратиш даражасига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Шундай қилиб, $70 \text{ }^\circ\text{C}$ ҳароратда жараён давомийлиги 6 соат бўлганда рухни эритмага ажратиш олиш даражаси $66,23 \%$ ни ташкил этади, $80 \text{ }^\circ\text{C}$ ҳароратда $68,20 \%$ ни ва $90 \text{ }^\circ\text{C}$ ҳароратда $68,78 \%$ ни ташкил этади. Бў ҳароратни 80°C дан юқорига кўтариш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатади.

Рух сақловчи концентратдан рухни ажратиб олишда ҳарорат ва жараён давомийлигининг таъсири

№	Вақт, соат	Ажралиш даражаси, %		
		70°C	80°C	90°C
1	1	14,37	14,80	14,94
2	2	27,18	28,00	28,28
3	3	38,45	39,60	39,99
4	4	48,55	50,00	50,50
5	5	57,87	59,60	60,18
6	6	66,23	68,20	68,78
7	7	74,00	75,80	76,40
8	8	80,43	82,30	82,88
9	9	85,00	87,50	87,80
10	10	88,33	90,01	90,48

Рухни хлорид кислота эритмасида ажралишига кўпроқ жараённинг давомийлиги таъсир этади. 70 °C да ажратиб олиш жараёнининг давомийлиги 6 соатдан 8 ва 10 соатга оширилиши, ажратиш даражасини мос равишда 66,23% дан 80,43% ва 88,33% га оширади. 80 °Cда бу кўрсаткичлар 68,20%, 82,30% ва 90,01% га тенг, 90°C да мос равишда 68,72%, 82,88% ва 90,48% га тенг.

Олинган маълумотларга асосланиб рух сақловчи концентратдан хлорид кислотаси билан рухни ажратиб олиш жараёнининг реакция тезлиги ва фаолланиш энергияси ҳисоблаб чиқилган.

Ҳароратнинг кўтарилиши билан рух сақловчи концентратни хлорид кислотаси билан реакция тезлик константаси ҳам ошиб боради. Айниқса бу кинетик доирада сезиларли, 343 ва 353 К да ҳароратда асосий рол ўйнайди, кейинчалик диффузион доира 363 К ва юқори ҳароратда реакция тезлиги константасига амалий таъсир кўрсатмайди.

Концентратдан рухни ажратиб олиш реакцияси константа тезлиги Аррениус тенгламасига бўй сунади ва қуйидаги эмперик тенглама билан кўринади:

$$K = 3,08546e^{-5} \cdot \exp(4134,64/T) \text{ ёки } K = 3,08546e^{\frac{4134,64}{T}}$$

Ҳароратга боғлиқ ҳолда 343-363 К оралиғида кўринувчи фаолланиш энергияси белгиси E_a рух концентратида 0,48 ва 1,45 ккал/моль ёки 2,01 ва 6,09 кДж/мольни ташкил этади, ўрта кўрсаткич эса мос равишда $E_{a.ўр.}$ 0,97 ккал/моль ёки 4,05 кДж/мольни ташкил этади.

Фаолланиш энергияси кўрсаткичи рух сақловчи концентратни етарлича реакция қобилиятга эгаллигини кўрсатади. Мазкур маълумотлар рух тузлари саноатидаги кимёвий корхоналарда ҳам-ашёни технологик имкониятини баҳолаш учун хизмат қилиши мумкин.

Жараён давомийлини 10 соат ва хлорид кислотаси 28% бўлганда нисбатларнинг Zn:HCl 1:0,8 дан 1:1,5 гача бўлгандаги таъсири суюқ ва қаттиқ фазаларнинг таркибига таъсири ўрганилган. Олинган маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

Нисбатнинг пасайиши билан $Zn:HCl$ 1:0,8 дан 1:1,5 гача суюқ фазада ҳамма компонентларнинг миқдори камайиб боради. Шундай қилиб, рухнинг миқдори 15,592 %дан 11,348 %гача, Са 0,314 %дан 0,181 %гача, темир 0,637 %дан 0,3657 %гача ва қолган компонентлар ҳам худди шу йўсинда камаяди.

Шунинг билан бирга хлорнинг миқдори бир мунча ошади 22,21 %дан 23,72 %гача, эркин хлорид килотаси миқдори 2,19 %дан 9,84 %гача ошади, рухнинг ажралиш даражаси 74,22 %дан 90,10 %гача ошади.

Қаттиқ фаза кремний билан тўйиниб боради. Кремнийнинг миқдори 1:0,8 нисбатда 27,903 %ни ташкил этади, 1:1,5 нисбатда эса 37,607 %гача этади. Қаттиқ фазадаги қолган компонентлар, хлорни ҳам қўшганда, бир йўсинда камаяди.

Хонжиза кони концентратини $Zn:HCl = 1:1,1$ нисбатда, хлорид кислотаси концентрацияси 28 %, вақт давомийлиги 10 соат бўлган дастлабки куйдириш ҳароратини ажратиш жараёнига таъсири ўрганилган. Куйдириш ҳароратини 300 дан 500 °Сгача кўтарилиши рухни миқдорига кам таъсир қилади 14,831% дан 15,346 %гача ва амалда ажратиб олиш даражасига кам таъсир қилади.

Куйдириш Са, Си, Сд, Рв, К, Мо миқдорини камайтиради ва темир миқдорини 0,476 % дан 0,687 % гача кўтаради. Кўп миқдорда куйдириш қаттиқ фаза таркибига таъсир қилади. Ҳароратни кўтарилиши калций, темир, мис, кадмий, кўрғошин, калий, молебденларнинг миқдорини кўтарилишига ва кремнийни 37,241 % дан 27,180 % гача, рухни 12,765 дан 9,720 % гача камайишига таъсир кўрсатади. Бунда хлорнинг миқдори 1,752 % дан 1,702 % гача камаяди.

Олинган рух хлориди эритмаси оксидловчилар ёрдамида темирдан тозаланди. Оксидловчилар сифатида газсимон хлор, бертоле тузи ва хлорли оҳак қўлланилди. Эритмадан темир оксидлари кислоталикни нейтраллаш усули билан чўктириб олинди, масалан (CaO) қўшиш орқали, оҳакни хлор оҳаки билан бир вақтда берилди.

4-жадвалда 500 °Сда куйдирилиб, $Zn:HCl = 1:1,1$ нисбатда олинган эритмани темирдан тозалаш даражасига $Fe:Ca(ClO)_2 / HCl:CaO$ мол нисбатдаги таъсири келтирилган.

Мол нисбатнинг $Fe:Ca(ClO)_2 / HCl:CaO$ дан 1:0,0 / 1:0,0 гача 1:1,5 / 1:1,05 кўтарилиши эритмада рухнинг 15,346 % дан 14,638 % гача ва 1:1,5 / 1:1,5 нисбатда 14,615 % гача камайишига олиб келади. Шунинг билан бирга калций мос равишда 0,072% дан 3,519 % гача ва 3,724% гача ошади. Эритмада темирнинг миқдори мос равишда 0,687 % дан 0,0115 % гача ва 0,0114 % гача камаяди. Шунинг билан бирга темирнинг чўкиш даражаси 97,429-98,257 % гача ошади. Қолган компонентларнинг миқдори амалда ўзгармайди. 1:1 / 1:1 нисбатда амалда эркин кислота учрамайди.

Суюқ фазани тозалашнинг оптимал шароитини мол нисбатда $Fe:Ca(ClO)_2 / HCl:CaO=1:1,05 / 1:1,05$ ни ташкил этади. Шунинг билан бирга эритмани темирдар тозалаш миқдори 98,248 %ни ташкил этади, унинг миқдори 0,0115% дан ошмайди.

3-жадвал

Рух хлориди олиш жараёнида HCl концентрацияси 28%, жараён давомийлиги 10 соат бўлганда суюқ ва қаттиқ фаза кимёвий таркибига Zn:HCl нисбатининг тасири

№	Zn:HCl	Суюқ фаза кимёвий таркиби, масс. %										Эркин HCl, %	Zn ни эритмага ўтиш даражаси, %
		Zn	Ca	Fe	Cu	Cd	Pb	K	Mo	Cl ⁻	H ₂ O		
1	1:0,8	15,592	0,314	0,637	0,437	0,224	1,654	0,521	0,018	22,21	57,48	2,19	71,22
2	1:1,0	15,009	0,256	0,520	0,356	0,182	1,348	0,425	0,015	22,24	58,57	3,45	84,100
3	1:1,1	14,716	0,234	0,476	0,326	0,167	1,235	0,389	0,013	22,32	59,03	4,08	90,00
4	1:1,2	13,700	0,218	0,443	0,303	0,156	1,149	0,362	0,013	22,48	59,93	5,55	90,04
5	1:1,3	12,818	0,204	0,414	0,284	0,145	1,075	0,339	0,012	22,74	60,71	6,94	90,08
6	1:1,4	12,040	0,192	0,389	0,266	0,137	1,009	0,318	0,011	23,15	61,39	8,36	90,10
7	1:1,5	11,348	0,181	0,367	0,251	0,129	0,951	0,300	0,010	23,72	62,00	9,84	90,10
№	Zn:HCl	Қаттиқ фаза кимёвий таркиби, масс. %											
		Si	Zn	Ca	Fe	Cu	Cd	Pb	K	Mo	Cl ⁻		
1	1:0,8	27,903	25,979	0,030	0,061	0,042	0,021	0,157	0,050	0,0017	1,91		
2	1:1,0	33,708	17,780	0,024	0,050	0,034	0,017	0,129	0,041	0,0014	1,80		
3	1:1,1	37,241	12,765	0,022	0,045	0,031	0,016	0,118	0,037	0,0013	1,75		
4	1:1,2	37,363	12,663	0,021	0,042	0,029	0,015	0,110	0,035	0,0012	1,63		
5	1:1,3	37,464	12,558	0,020	0,040	0,027	0,014	0,103	0,032	0,0011	1,53		
6	1:1,4	37,545	12,487	0,018	0,037	0,026	0,013	0,097	0,031	0,0011	1,44		
7	1:1,5	37,607	12,441	0,017	0,035	0,024	0,012	0,092	0,029	0,0010	1,36		

Куюклаштирилган рух хлоридини олиш учун тозаланган эритмалар юқори ҳароратда буғлатилди. Эритмани ҳарорати концентрацияни ошиши билан кўтарилади. Буғлатиш жараёни 190–280 °С да массани куюклашиши билан қаттиқ фаза ажралиши орқали боради; ҳароратнинг янада кўтарилиши массани яна суюқланишига олиб келади. Ҳароратни 310–340 °С гача кўтарилиши билан ~1,2 % сув тутган махсулот олинган. Вакуумдан фойдаланмасдан туриб ҳамма сувни ажратиб бўлмайди, чунки бунинг учун ҳароратни 400 °С гача кўтариш талаб этилади, бу $ZnCl_2$ гидролизланишига олиб келади. Гидролиз бундан ҳам паст ҳароратларда бориши мумкин; бунинг олдини олиш учун буғлатиш жараёнида озроқ хлорид кислота кўшилган.

Сувни тўлиқ чиқариб ташлаш қийинлиги ва сувсизлантириш вақтида ёқилғи харажатларини ошиб кетиши муносабати билан буғлатишни нисбатан паст ҳароратда (220–250 °С) тўхтатдик. Бў вақтда тайёр махсулотда 9–12 % сув қолади. Суюқ фазада темирдан тозалашдан кейин кўп миқдорда калций қолганлиги учун, калцийдан тозалаш учун эритмага рух гидроксиди берилди. 5-жадвалда суюқ ва қаттиқ фазалар кимёвий таркибига $CaO:Zn(OH)_2$ нисбатининг тасири келтирилган.

$Zn(OH)_2:CaO$ нисбатининг 0,8:1 дан 1,5:1 гача кўтарилиши рухни миқдорини 18,880% дан 19,096% гача кўтарилишига, хлорни 22,671% дан 21,652% гача камайишига олиб келади. Қўшимчаларнинг миқдори амалда ўзгармасдан қолади. Темирни ажратиш даражаси 79,990% дан 99,836% гача ошади. $Zn:HCl=1:1,1$ нисбатда, 80°С ҳароратда ва жараённинг 10 соат давомийлигида рух хлориди олиш жараёнига Қ:С фазанинг тасири ўрганилган. Олинган малумотлар 3-жадвалда келтирилган. С:Қ фазанинг нисбати 0,8:1 дан 2,5:1 гача кўтарилиши рух миқдорини 7,062% дан 10,989% гача, кальцийни 32,82% дан 51,010% гача, хлорни 1,855% дан 2,887% гача оширади. Қаттиқ фазада 1,7:1 нисбатдан бошлаб темир мингдан бир улушда аниқланган, қолган компонентларнинг миқдори эса ундан ҳам кам.

Суюқ фаза таркиби С:Қ нисбатининг 0,8:1 дан 2,5:1 гача кўтарилиши билан сезиларли ўзгаради. Шундай қилиб рухнинг миқдори 12,688% дан 19,742% гача, хлор 14,387% дан 22,385% гача ўзгаради, қолган компонентларнинг миқдори юздан бир улушдан ошиқ эмас. Рух хлориди эритмасини олишнинг оптимал шароити Қ:С=1:2 ҳисобланади. Бунда эритма 19,74% рух ва 22,384% хлорни ўз ичига олади, бу рух хлоридининг 41,30% ли концентрациясига тўғри келади.

Рух концентратини хлорид кислотаси билан парчалаш жараёнини 2 соатдан 14 соатгача ошиши қаттиқ фаза рухни 1,831% дан 10,989% гача ошишига, кальцийни 8,46% дан 51,010% гача, темирни 0,0002% дан 0,0014% гача ошишига олиб келади. Қолган компонентларнинг миқдори мингдан бир улушдан ошмайди. Шунинг билан бирга хлорнинг миқдори 0,481 дан 2,887% гача ошади. Суюқ фаза таркиби қаттиқ фазага ўхшаш равишда ўзгаради ва ҳамма компонентларнинг миқдори ошади. Рухнинг миқдори 3,290% дан 19,742% гача, хлор 3,730% дан 22,385% гача ошади, темирнинг миқдори 0,0112% дан ошмайди, эритмадаги қолган эритмаларнинг миқдори мингдан

бир улушдан кам фоизни ташкил этади. Куйдирилган концентратдан рух хлориди эритмаси олиш жараёнинг оптимал давомийлиги 10 соатни ташкил этади, бунда рухни концентратдан ажратишнинг максимал даражасига кўтарилади. Бунда эритмадаги рухни миқдори 19,741% кўтарилади, бу 41,31% рух хлоридига мос келади. Рух концентратини хлорид кислотаси билан парчалаш ҳароратини 10°C дан 90°C гача кўтарилиши қаттиқ фазада рухни 1,457% дан 11,066%, гаа, кальцийни 6,80% дан 51,41%, темирни 0,0002% дан 0,0014% гача ошишига олиб келади. Қолган компонентларни миқдори фоизда мингдан бир улушдан кам миқдорни ташкил этади. Шунинг билан бирга хлор, 382 дан 2,907% гача ошади.

Сууюқ фаза таркиби қаттиқ фаза таркибига ўхшаш ўзгаради ва барча компонентларнинг миқдори ошиб боради. Рухнинг миқдори 2,617% дан 19,882% гача, хлор 2,967% дан 22,544% гача ошиб боради, темирнинг миқдори 0,0113% дан, қолган компонентларнинг миқдори фоизда мингдан бир улушдан ошмайди. Концентратдан рух хлориди олишнинг оптимал ҳарорати 80 °C ҳисобланади. Жараёни мазкур ҳароратда олиб борилганда эритмада рухнинг миқдори 19,741% га етади ва жараёни оптимал Қ:С ва жараён давомийлигида олиб борилганда ҳам худди шундай бўлади.

Пулпаларни қовушқоқ ва зичлигини аниқлашни 20 дан 80 °C гача ҳароратда ва Zn:HCl 1:0,6 дан 1:2,0 гача нисбатда аниқланди. Олинган татқиқотлар натижасида корреляцион коэффцент (R^2) эмпирик тенгламаси аниқланди. Мос коэффцентлар 0,9269 дан 1,000 оралиғида жойлашган, бу экспериментал маълумотларни аниқланган катталикларга мос келишини кўрсатди. Хлорид кислота миқдорини ошиши ва ҳароратни кўтарилиши билан эритмаларнинг зичлиги камаяди. Zn:HCl=1:0,6 нисбатда 20 °C пулпанинг зичлиги 1,698 г/см³ ни, Zn:HCl=1:2,0–1,476 г/см³ни ташкил этади, шунингдек Zn:HCl нисбатларнинг бир хил кўрсаткичида ҳароратнинг ошиши билан пўлпа зичлиги кўрсаткичини камайишига олиб келади. Масалан, 1:1,1 ва ҳарорат 20 дан 80 °C гача ўзгарганда 1,676 дан 1,651 г/см³ гача ўзгаради.

Қовушқоқликни ўрганишда ҳам ўхшаш қонуниятлар кузатилади. Пўлпанинг қовушқоқлиги 20 °C да Zn:HCl=1:0,6 нисбатда 8,45 мПа·с гача , Zn:HCl=1:2,0 7,70 мПа·с гача камаяди. Бундан ташқари, Zn:HCl нисбати ўзгармас бўлганда ва ҳарорат кўтарилганда қовушқоқлик 8,45 дан 3,58 гача ва 7,70 дан 3,02 мПа·с гача камайишига олиб келади, бу 20 ва 80°C га мос тушади. Барча пўлпалар яхши реологик хусусиятга эга.

Фильтратнинг зичлиги конверсия вақтининг ошиши ва ҳароратни 20 дан 80°C гача кўтарилиши зичликни 1,780 дан 1,762 г/см³ гача ва 1,780 дан 1,670 г/см³ гача камайишига олиб келади, бунда вақт 12 соатгача ошиб боради.

Ўхшаш равишда, эритмаларнинг қовушқоқлиги мос ҳолда 8,59 мПа·с дан 3,45 гача ва 8,59 дан 8,27 мПа·с камаяди, бунда ҳарорат 20 дан 80 °C гача кўтарилади ва конверсия вақти ошиб борди. Рух хлориди эритмаси зичлик ва қовушқоқлиги тўйинган эритмани буғлатиш жарёнида ҳам ўрганилган.

Сууюқ фаза кимёвий таркибига $\text{Fe}:\text{Ca}(\text{ClO})_2 / \text{HCl}:\text{CaO}$ мол нисбатини ва дастлабки куйдириш жараёнининг тасири

№	Нисбат $\text{Fe}:\text{Ca}(\text{ClO})_2 /$ $\text{HCl}:\text{CaO}$	Сууюқ фазанинг кимёвий таркиби, масс. %									Эркин HCl , %	Эритмадан Fe ажратиш даражаси, %
		Zn	Ca	Fe	Cu	Cd	Pb	K	Cl ⁻	H ₂ O		
1	1:0,0 1:0,0	15,346	0,072	0,687	0,0008	0,0004	0,0007	0,0004	23,272	61,527	5,662	0
2	1:0,8 1:0,8	14,811	2,844	0,0170	0,00077	0,00039	0,00067	0,00039	23,133	60,253	1,092	97,429
3	1:1,0 1:1,0	14,640	3,497	0,0123	0,00076	0,00038	0,00067	0,00038	23,032	59,822	0	98,117
4	1:1,05 1:1,05	14,638	3,519	0,0115	0,00076	0,00038	0,00067	0,00038	23,070	59,746	0	98,248
5	1:1,1 1:1,1	14,635	3,542	0,0115	0,00076	0,00038	0,00067	0,00038	23,108	59,669	0	98,250
6	1:1,2 1:1,2	14,630	3,588	0,0115	0,00076	0,00038	0,00067	0,00038	23,183	59,516	0	98,250
7	1:1,3 1:1,3	14,625	3,633	0,0114	0,00076	0,00038	0,00067	0,00038	23,258	59,362	0	98,255
8	1:1,4 1:1,4	14,620	3,679	0,0114	0,00076	0,00038	0,00067	0,00038	23,333	59,209	0	98,257
9	1:1,5 1:1,5	14,615	3,724	0,0114	0,00076	0,00038	0,00067	0,00038	23,408	59,056	0	98,257

5-жадвал

Суюқ ва қаттиқ фазалар кимёвий таркибига концентратни куйдириш ва $\text{CaO}:\text{Zn}(\text{OH})_2$ нисбитининг тасири

№	$\text{CaO}:\text{Zn}(\text{OH})_2$ нисбат	Суюқ фазанинг кимёвий таркиби, масс. %									Эритмадан Fe ажратиш даражаси, %
		Zn	Ca	Fe	Cu	Cd	Pb	K	Cl ⁻	H ₂ O	
0	00:00,0	14,638	3,519	0,0115	0,00076	0,00038	0,00067	0,00038	23,070	59,746	0
1	1:0,8	18,880	0,692	0,0113	0,00075	0,00037	0,00066	0,00037	22,671	58,713	79,990
2	1:1	19,909	0,006	0,0113	0,00074	0,00037	0,00066	0,00037	22,574	58,462	99,823
3	1:1,1	19,741	0,006	0,0112	0,00074	0,00037	0,00065	0,00037	22,384	57,968	99,833
4	1:1,2	19,576	0,006	0,0111	0,00073	0,00037	0,00064	0,00037	22,196	57,483	99,834
5	1:1,3	19,413	0,006	0,0110	0,00073	0,00036	0,00064	0,00036	22,012	57,005	99,835
6	1:1,4	19,253	0,005	0,0109	0,00072	0,00036	0,00063	0,00036	21,830	56,535	99,836
7	1:1,5	19,096	0,005	0,0108	0,00071	0,00036	0,00063	0,00036	21,652	56,073	99,836
№	$\text{CaO}:\text{Zn}(\text{OH})_2$ нисбат	Қаттиқ фазанинг кимёвий таркиби, масс. %									
		Zn	Ca	Fe	Cu	Cd	Pb	K	Cl ⁻		
0	00:00,0	–	–	–	–	–	–	–	–		
1	1:0,8	2,437	51,262	0,0015	0,0001	0,000048	0,000085	0,000048	2,926717		
2	1:1	2,716	51,036	0,0015	0,0001	0,000048	0,000085	0,000048	2,913309		
3	1:1,1	10,988	51,010	0,0014	0,0001	0,000048	0,000084	0,000048	2,886843		
4	1:1,2	19,256	50,979	0,0014	0,0001	0,000047	0,000083	0,000047	2,860860		
5	1:1,3	27,516	50,948	0,0014	0,0001	0,000047	0,000082	0,000047	2,835340		
6	1:1,4	35,765	50,918	0,0014	0,0001	0,000046	0,000082	0,000046	2,810271		
7	1:1,5	44,007	50,888	0,0014	0,0001	0,000046	0,000081	0,000046	2,785643		

Доимий ҳароратда буғлатилган сувнинг миқдорини ошиши билан барча ўрганилган ҳароротларда зичлик кўрсаткичи ошиши кузатилди. Масалан, 20 дан 80°C гача зичлик 1,350 дан 1,466 г/см³ гача ва 1,327 дан 1,403 г/см³ гача ошиб боради. Мос равишда, эритмалар қовушқоқлиги ҳароратни 20 дан 80 °C кўтарилиши ва буғлатилган сув миқдорини ошиши мос равишда 3,82 дан 1,42 мПа·с гача камайтиради ва 4.75 мПа·с гача ошириб боради.

Диссертациянинг тўртинчи «**Рух концентратини рух хлоридига қайта ишлаш жараёнининг технологик кўрсаткичлари тадқиқоти**» бобида рух концентратини рух хлоридига қайта ишлаш тадқиқоти натижалари келтирилган.

Рух хлориди олишда конверция жараёнининг асосий босқичларидан бири фазаларни ажратиш ҳисобланади. Шунинг учун чўктириш ва филтрланиш тезлигини аниқлаш борасида тадқиқотлар олиб борилди.

Олинган маълумотлар рух хлориди олишда суспензияни ажратиш жараёни яхши боришини кўрсатди. Кўришиб турибдики, суспензияни 200 минут давомида ушлаб турилишида чўкмаларни жадал чўкиши кузатилди, лекин вақт давомийлиги оширилганда пўлпани тиниш даражаси камайиши кузатилди. Шундай қилиб, рух концентратидан хлорид кислотаси асосида олинган суспензияни тиниш даражаси 30 минутда 9,7% етди, максимал тиниш даражаси 47,47%. Рух хлориди олиш босқичида суспензияни тиниш тезлиги секин боради. Лекин олиб борилган эксперимент натижалари олинган махсулотларни бир хил таркиблилиги, бошқа қўшимча моддалар йўқлиги ва жуда яхши қўйилишини кўрсатди.

Филтрланиш тезлиги бўйича олинган маълумотлар вакуум даражаси ва ҳароратни қанча бўлишидан қатъий назар суспензия яхши филтрланишини кўрсатди. Суспензиянинг филтрланиш тезлиги 300 мм см. ус.да 143,04–176,15 кг/м²·с ни ташкил этади. Филтрланиш жараёнида вакуум ва ҳароратни оширилиши пўлпа, филтрат ва қаттиқ фаза бўйича филтрланиш тезлигини ошишига олиб келади. Филтлда чўкма баландлиги 15 см гача бўлганда пўлпа бўйича филтрланиш тезлигини 98,47 – 116,99 кг/м²·с гача камайишига олиб келади. Тайёр махсулот физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш учун Хонжиза концентратидан олинган рух хлоридини кимёвий таркиби ўрганилди.


Рух хлориди ренгинограммасида сувсиз ва моносувли рух хлоридига таллуқли дифференциал максимумлар мавжуд.

ИК - спектрларида $ZnCl_2 \cdot L_2$ гуруҳ комплексларига таллуқли 2160,27; 186,96; 624,94 см⁻¹ ютиш чизиқлари мавжуд. Чизиқлар минерал объектнинг кристалл структурасида молекулалараро таъсирлашув натижасида кенгайган структурага эга. Хонжиза концентратидан олинган рух хлориди плазма атомэмисион таҳлил натижалари рух хлоридини юқори даражада мавжудлиги ва силикат, алюминий, темир, мис ва бошқа қўшимчаларни кам миқдорда мавжудлигини кўрсатди.

Рух хлоридини плазма атом эмисион таҳлил натижалари рентген ва ИҚ – спектр таҳлил натижаларини тасдиқлади.

Лаборатория шароитида олинган маълумотлар, шунингдек моддий

оқимлар ҳисоби ва моддий балансни тузилиши Хонжиза кони рух сақловчи концентратидан рух хлориди олиш технологик схемасини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Расмда рух хлориди олиш технологик схемаси келтирилган.



Расм. Рух концентратини техник рух хлоридига қайта ишлаш тажрибавий қурилма технологик схемаси

1 – куйдириш печи, 2 – автоклав реактор, 3, 6 – фильтрлар, 4, 7 – идиш, 5 – аралаштирувчи идиш, 8 – кристаллизаторли вакуум буғлатиш қурилмаси, 9 – транспортер, 10 қадокловчи қурилма, 11 – дистиллятор.

Технологиянинг асоси рух сақловчи концентратни хлорид кислота эритмаси билан кислотали парчалаш, қаттиқ фазани ажратиш, рух хлориди эритмасини олиш эритмани қўшимчалардан тозалаш ва суюқ фазани буғлатиб рух хлориди тузли чўкмасини олишдан иборат.

Рух концентратини рух хлоридига қайта ишлаш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат:

- рух концентрати 500 °С да куйдириш;
- Хонжиза кони рухли концентратини юқори босимли автоклавда $t = 80^{\circ}\text{C}$ да хлорид кислотали парчалаш;
- Рух хлориди эритмасини ажратиш ва қўшимчалардан тозалаш;
- тозаланган рух хлориди эритмасини буғлатиб техник рух хлориди олиш;
- қадоклаш ва тайёр маҳсулотни сақлаш.

Автоклавга рух сақловчи концентрат юкланди ва хлорид кислотаси эритмаси қўшилди. Реакция зич ёпилган автоклав реакторида олиб боради, рух концентратини хлорид кислотаси билан парчалаш жараёнида ҳосил бўлучи газ реактор ичида юқори босим ҳосил қилади ва бир вақтнинг ўзида реактор ичида ҳароратни кўтаради. Реакция 10 соат давомида олиб борилди, реакция тугагандан кейин пульпани автоклавдан филтрлаш қурилмасига йўналтирилди. Филтрлашдан кейин суюқ фазани седиментация усули билан қўшимчалардан тозаланди, кейинчалик буғлатиш йўли билан рух хлориди

ажратиб олинди. Олинган махсулот кўйидаги сифат кўрсаткичлари билан характерланади, масс. %: $ZnCl_2$ – 98,27%; Ca – 0,0143%; Fe – 0,027%; Cu – 0,0018%; Cd – 0,0009%; Pb – 0,0015%; K – 0,00088%; H_2O – 1,623%. Намуналар «Автотракторрадиатор» АЖ га саноатда қўллаш учун юборилди.

Синов вақтида 1000 кг рух хлориди олинди. Рух концентратини рух хлоридига қайта ишлаш технологиясини синов натижалари технология технологик жиҳатдан осон, махсус қурилмаларни талаб қилмаслиги энергия, ресурс ва материал тежамкорлигини кўрсатди. Олиб борилган ҳисоб китоблар Хонжиза кони рух сақловчи концентратини рух хлоридга қайта ишлаш самарадорлигини кўрсатди. 50 минг тонна техник рух хлориди ишлаб чиқарилиши ташкиллаштирилганда иқтисодий самарадорлик 266,5 млрд. сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

1. Рух сақловчи концентратни хлорид кислотаси билан парчалаш жараёни ўрганилди, жараённинг мақбул технологик кўрсаткичлари аниқланди: хлорид кислота концентрацияси 28%, стехиометрик нисбат 1:1,1, ҳарорат 80°C, босим 17 атм ва жараён давомийлиги 10 соат бўлиб, бунда конверсия даражаси 90% дан юқори бўлиши кўрсатиб берилди.

2. Концентратни куйдириш йўли билан қўшимчалардан тозалаш тадқиқоти хомашёда мавжуд кўрғошин, SiO_2 ва бошқа бирикмалар рух кислотали парчалашда чўкма ҳосил қилиши, рух тутган чўкмада кичик заррачалар кўринишида аралашмалар ҳосил бўлиши кўрсатиб берилди. Бунда майдаланган рух концентратларини 300-500°C да дастлабки куйдириш йўли билан аралашмалардан тозалаш усули таклиф қилинди.

3. Рух концентратини хлорид кислотаси билан парчалашдан кейинги суюқ фазани тозалаш жараёни ўрганилди. Олинган рух хлорид эритмасини ифлослантормайдиган оксидловчилар ёрдамида темирдан тозалаш жараёни кўрсатилди. Оксидловчилар сифатида газсимон хлор, бертоле тузи ва арзон реагент – кальций гипохлорид ишлатилди. Эритмани темирдан тозалаш учун кислоталикни нейтраллаш орқали чўктириб олиш, эритмада чўкма ва хомашё билан берилган кумнинг эримайдиган қисмини чўктириш, декантация қилиш ва филтрлаш жараёнлари таклиф этилди.

4. Рух концентратини парчаланиш даражасига юқори босимнинг таъсири ўрганилди. Автоклав реактори ичида босим кўтарилиши билан конверцияланиш даражаси ошиши ва 17 Атм да 90% га кўтарилиши кўрсатиб берилди.

5. Хонжиза кони рух сақловчи руда ва концентратини физик-кимёвий хоссалари аниқланди ҳамда рух концентратини қайта ишлаб рух хлорид олиш технологияси ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган рух хлорид олиш технологияси «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ да саноат миқёсида техник ва кимёвий тоза рух хлорид ишлаб чиқариш ҳамда “Шўртан нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармаси” АЖ да нефть ва нефть махсулотларини тозалаш, шунингдек сувсизлантирувчи элемент ҳамда катализатор сифатида қўллаш учун тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТЕРМЕЗСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

РОСИЛОВ МАНСУР СИРГИЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ХЛОРИСТОГО
ЦИНКА НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО СЫРЬЯ**

02.00.13–Технология неорганических веществ и материалы на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Термез– 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан номером B2018.4.PhD/T865.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета www.tersu.uz и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель: Самадий Муроджон Абдусалимзода
доктор философии по техническим наукам (PhD)

Официальные оппоненты: Шукуров Жамшид Султонович
доктор технических наук, ведущий научный сотрудник

Шамаев Баходир Эргашевич
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Наманганский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится «15» 07 2020 г. в «9⁰⁰» часов на заседании Ученого совета PhD.03/30.12.2019.T.78.01 при Термезском государственном университете по адресу: 190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz


Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре в Термезском государственном университете под № 11, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «4» 07 2020 года.
(протокол рассылки № 1 от «4» 07 2020 г.).




И.А. Умбаров
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н.


Ш.А. Касимов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.х.н.


Ф.Б. Эшкурбонов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире большое внимание уделяется получению цинка высших марок с полным использованием цинксодержащего сырья внедрением безотходных технологий. Общий объем производства цинка в мире составляет 8 млн тонн в год. В этом отношении соединения цинка, в частности, хлористый цинк приобретает особое значение. Хлористый цинк имеет важное практическое значение с применением в качестве антисептика для подпитки тканей, картона, шпал, компонентов зубных цементов, в гальванических батарейках, для повышения качества паяльных работ.

В мировой практике по пирометаллургическому способу получают не более 15% цинка. Эта технология обычно применяется для переработки бедных цинковых концентратов с примесей железа, мышьяка, сурьмы, кремнезема и редких металлов (кадмия, индия, таллия и других), а также при производстве в цинка низших марок. В этом аспекте уделяется внимание исследовательским работам, направленным на переработку цинксодержащих руд и концентратов, их очистки сопутствующих примесей и разработке эффективного метода извлечения хлористого цинка из цинксодержащих руд и концентратов. Поэтому, разработка технологии получения хлористого цинка из цинксодержащего сырья являются актуальной.

В нашей стране в химической промышленности были достигнуты определенные результаты, в частности, проведены широкомасштабные практические мероприятия по обеспечению местного рынка импорт замещаемыми химическими реагентами. Следует отметить, что в Республике уделяется большое внимание мероприятиям по системе научно обоснованного ведения промышленных объектов и охраны окружающей среды через внедрение инновационных технологий. В Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ намечены задачи по «Совершенствованию промышленности на качественно новый уровень, дальнейшей интенсификации производства готовой продукции на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, освоению выпуска принципиально новых видов продукции и технологий». В связи с этим имеет особое значение разработка эффективных, экспрессных и экономически дешёвых технологий переработки цинксодержащих сырьевых источников.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», Постановлений Президента Республики Узбекистан № ПП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы», № ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по усиленному развитию химической промышленности в Республике Узбекистан», № ПП-

¹ Указ Президента Республики Узбекистан за № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике VII - «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В научно-технической литературе имеется большой объем научных материалов и способов переработки цинксодержащих сырьевых источников на цинк, сульфат цинка и другие соединения. По переработке соединений цинка Н. В. Марченко, Е. П. Вершинина, Э. М. Гильдебрандт, М.Е. Позин, Yan Li, Anhuai Lu, Song Jin, Е.В. Маргулис, И.В. Родин, В.М. Гудкевич, М.А. Самадий и др. были проведены научные исследования.

Ими были синтезированы ингибиторы, различные катализаторы и соединения цинка используемые в нескольких направлениях, таких как химическая промышленность, медицина, биотехнология, микробиология, пищевая промышленность, в упаковочных и других промышленности.

